



Научно-практический электронный журнал

МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



Выпуск №71 (том 1)
(апрель, 2025)



Международный научно-практический
электронный журнал «МОЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №71 (том 1) (апрель, 2025). Дата выхода в свет: 30.04.2025.

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



СОДЕРЖАНИЕ

Название научной статьи, ФИО авторов	Номер страницы
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ	
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ Богданова Е.С.	8
СПЕЦИФИКА ОСНОВНЫХ ЭТАПОВ ПСИХОДИАГНОСТИЧЕСКОГО ОБСЛЕДОВАНИЯ Караванов А.А., Богословский П.В., Филоненко Л.В.	16
ОСОБЕННОСТИ НАСЛЕДОВАНИЯ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ Иванова Ю.М., Чистякова П.С.	29
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МЕЖДУНАРОДНОГО УСЫНОВЛЕНИЯ Третьякова А.А., Киек Д.В.	36
ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РАСПОРЯЖЕНИЯ ОБЩИМ ИМУЩЕСТВОМ СУПРУГОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ Гузиченко Е.В., Смирнова Е.Д., Буторина Т.Н.	43
ПРОБЛЕМА ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ПРАВОМ В СФЕРЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ЧАСТНОГО ПРАВА Обухов А.А., Калинин В.А.	52
КОЛЛИЗИОННО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ БРАКА И РАЗВОДА Косолапов С.А., Репин В.А.	60
ИНСТИТУТ РЕТОРСИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ Буторина Т.Н., Демидова А.А., Рыбина Я.В.	69
ЗНАЧЕНИЕ ПЛАСТИКОВЫХ ТРУБ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ Сейтиев А.С., Атаев О.К.	76
ОПРЕДЕЛЕНИЕ МЕСТА ЖИТЕЛЬСТВА РЕБЕНКА ПРИ РАЗВОДЕ РОДИТЕЛЕЙ ИЗ РАЗНЫХ СТРАН Бердинских А.А., Титизян А.А.	82
АКЦИЯ ДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УНИНГ САМАРА ДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ Олтаев Ш.С.	91
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ Олтаев Ш.С.	97
ДАВЛАТ МОЛИЯСИ СОҲАСИДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ Олтаев Ш.С.	103
МАМЛАКАТДА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	111



Олтаев Ш.С.

СамИСИ доценти, и.ф.н.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон молия секторида фонд бозори савдолари фаоллигини ошириш учун мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган институционал инвесторлар турларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Республикаимизда институционал инвестор сифатида фаолият юритаётган институционал инвесторларнинг замонавий ҳолати, мамлакатимиз фонд бозорига маблағ жалб этиш борасидаги имкониятларидан талаб даражасида фойдалана олмаяпти. Бизга маълумки, қимматли қоғозлар бозорининг, шу жумладан, акциялар бозорининг вазифаси, аҳоли, давлат ҳамда институционал инвесторларнинг бўш турган маблағларини ҳаракатга келтириб, миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтириш, улардан энг муҳим молиялаштириш манбаси сифатида фойдаланган ҳолда иқтисодиётни барқарорлаштиришга, пул муомаласини яхшилашга ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадини оширишга таъсир этишдан иборат.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида институтционал инвесторлар молиявий институтлар сифатида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият олиб бориб, хизматларидан асосан банклар, суғурта компаниялари, пенсия ва инвестиция фондлари фойдаланишади. Дунё тажрибасида бундай институционал инвесторлар фонд бозори савдоларида инвестиция (асосан ўзаро) фондларнинг мақбул турларини ташкил этиш орқали қатнашишади. Масалан, Америка қўшма штатларида 2022 йилга келиб, инвестиция фондлари соф



активлари қиймати 34,2 трлн. доллар га тенг бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми (22, 996 трлн. доллар) дан 1,5 баробар кўпдир.

Ўзбекистон институционал инвесторлари (эмитент сифатида) томонидан фонд бозорига савдоларига акцияларнинг муомалага чиқарилув қиймати 46,7 трлн. сўм (унинг ҳам 80-85 фоизи давлат улуши) бўлиб, мамлакатимиз АЖ томонидан чиқарилган умумий акцияларнинг 28,4%ни, 2021 йил якунлари бўйича эришилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 734,6 трлн. сўм билан таққослаганда 6,4 %га тенг. Бундай ҳолат, институционал инвесторлар ёрдамида мамлакат молиявий салоҳиятининг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига таъсирини рағбатлантириш мақсадларида такомиллаштириш долзарб муаммо эканлигини исботламоқда.

Республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда асосий урғу мамлакат иқтисодий ўсишини молия секторини ривожлантириш, яъни иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш учун давлат улушини камайтириш орқали эришишга қаратилган. Шу мақсадда, Республикамиз фонд бозори ҳажмини институционал инвесторлар иштирокида кенгайтириш тадбирлари, яъни «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармонида «мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш ва Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш» ва фонд бозорига таъллукли бошқа тадбирларни амалга ошириш орқали «иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш» муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида институционал инвестор бўлиб, инвестиция фондлари, суғурта компаниялари ва тижорат банклари ҳисобланади. Уларнинг асосий мақсади капитални кўпайтиришни ва уни ликвидли шаклда сақланишини таъминлаш ҳисобланади. Асосий функцияси эса қимматли



қоғозларга фаол равишда пул маблағларини қўйишдир. Институционал инвесторлар молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ўз активларини ишончлилик, диверсификациялаш, қайтаришлилик, фойдалилик ва ликвидлилик тамойиллари асосида қимматли қоғозларга инвестиция қилишлари муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда 2022 йил 1 сентябрь ҳолатига институционал инвестор сифатида 33 та банк, 45 та суғурта компанияси ва 9 та инвестиция фондлари фаолият юритмоқда. Улар томонидан 46,7 трлн. сўмга 6,1 трлн. дона акциялар муомалага чиқарилган.

Банклар томонидан муомалага чиқарилган акциялар 44 863,9 млрд. сўм бўлиб, институционал инвесторлар таркибидаги улуши 96,045 фоизга етган. Суғурта компаниялари томонидан эса 1 844,9 млрд. сўмлик акциялар муомалага чиқарилиб, умумий улушдаги ҳиссаси 3,949 фоизга тенг. Жаҳон қимматли қоғозлар бозорида юқори мавқега эга бўлган инвестиция фондларининг миллий иқтисодиётимизга таъсири кам бўлиб, улар томонидан атиги 2,32 млрд. сўмлик акцияларни муомалага чиқариб, институционал инвесторлар таркибидаги ҳиссаси ҳам мос равишда 0,006 фоизга яқин ҳисобланади.

Муомалага чиқарилган акциялари сони бўйича банкларнинг институционал инвесторлар таркибидаги улуши 56,1905 фоиз бўлса, кейинги ўринда суғурта компанияларининг 43,8092 фоиз, инвестиция фондлари эса «рамзий» 0,0003 фоизга эга. Суғурта компаниялари томонидан муомалага чиқарилган акцияларнинг номинал қиймати бошқа институционал инвесторлар акциясига қарабганда паст қийматда эканлиги сабабли, улар томонидан чиқарилган акциялар сонининг кўплигидан далолат беради. Мамлакатимиз иқтисодиётида институционал инвесторлар фаолияти таҳлилидан кўриниб турибдики, миллий қимматли қоғозлар бозорида институционал инвесторлардан суғурта компаниялари ва банклар фаол қатнашмоқда. Шунингдек, жаҳон молия бозорида жозибадор ҳисобланган инвестиция фондлари Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида ўз мавқеини йўқотиб бормоқда. Бундай ҳолат



мамлакатимизда инвестиция фондларининг иқтисодий таъминлашдаги салмоғи жуда паст ва у талаб даражада эмаслигини кўрсатади.

Шу боис, ҳозирги кунда мамлакатимиз институционал инвесторлари таркибида инвестиция фондларининг рақобатбардош эмаслиги, уларнинг акцияларига эгаллик қилаётган акциядорлик жамиятлари ўртасида эркин бозор механизмининг етарли даражада ишламаётганлиги инвестиция фондларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу боис, институционал инвестор сифатида инвестиция фондларининг республикамиз иқтисодий ўсишини таъминлашдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида, хулоса сифатида қуйидаги тавсияларни беришни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикасида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларни таъминлашда ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ички жамғармалар ва инвестициялар соҳасидаги негатив ривожланиш қонуниятларини ижобий томонга ўзгартиришга қодир бўлган молиявий воситачиликнинг янги шакллари зарур. Булар пай инвестиция фондлари ва исломий инвестиция фондларидир. Инвестиция фондларининг ривожланиши тез фурсатларда мамлакатнинг қатор муҳим ижтимоий- иқтисодий муаммоларини ижобий ҳал этиш имконини беради. Жумладан:

биринчидан, аҳоли жамғармаларини рисклар диверсификацияси ва позитив реал даромадлилик шартларида жойлаштириш;

иккинчидан, иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари учун узок муддатли ички инвестиция ресурсларини жалб этиш;

учинчидан, молиявий воситачилар хизматлари бозоридаги рақобат кураши ҳисобига молия сектори фаолияти самарадорлигини ошириш;

тўртинчидан, йирик акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив бошқарув даражасини ошириш, улар миноритар акциядорлари манфаатларини янада тўлароқ ҳисобга олишни таъминлаш ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Пардаев М.Қ., Олтаев Ш.С., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик–ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, 2018. СамИСИ, 240
2. Oltayev Sh.S. Innovative Ways of Implementing Digital Transformation in the Educational System. Middle European Scientific Bulletin, 2024, 44, 38-43
3. Oltayev Sh.S. Quality of Education In Higher Education Institutions of Our Country and Innovative Directions of Increasing Competitiveness. Miasto Przyszłości, 2023, 42, 253–256
4. Oltayev Sh.S. Statistical Analysis of the Regional Development of Small Business and Private Entrepreneurship Activity (In the Case of Samarkand Region). Academic Journal of Digital Economics and Stability. 2022, 1 (24), 1-6
5. Олтаев Ш.С. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни. Интернаука, 2020, 57-58
6. Холикулов А.Н., Олтаев Ш.С., Рахимов А.А. Проблемы развития антимонопольного управления в контексте развития национальной экономики. Лучшая исследовательская работа 2021, 55-59
7. Oltayev Sh.S. The service sector as the enhancing in raising the standard of living of the population. Вопросы управления и экономики: современное состояние актуальных проблем ... 2020.
8. Oltaev Sh.S. Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2024, 2 (3), 273-280
9. Oltaev Sh.S. The Role Of The State In The Innovative Development Of Tourism. The American Journal of Management and Economics Innovations, 2021, 3 (10), 17-20
10. Олтаев Ш.С. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини оширишда давлатнинг роли. Интернаука, 2021, 50-53



11. Олтаев Ш.С. Ишчи кучи миграцияси тушунчасига берилган таърифларнинг таснифланиши. Scientific progress. 2021, 2 (4), 857-861

© Олтаев Ш.С., 2025